



КРЕДИТ ВА ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ МҲХС АСОСИДА ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маҳмудова Гўзал Самадjon қизи,

Тошкент молия институти таянч докторанти,
Тошкент, Ўзбекистон. Email: makhmudova.g.s@gmail.com
ORCID: 0000-0003-1016-9195

IMPROVING CREDIT AND DEBT ACCOUNT BASED ON IFRS

Mahmudova Guzal Samadjon qizi,

PhD student of the Tashkent Institute of Finance,
Tashkent, Uzbekistan. Email: makhmudova.g.s@gmail.com
ORCID: 0000-0003-1016-9195

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолият юритиши натижасида юзага келадиган кредит ва қарз маблағлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни бухгалтерия ҳисобида миллий ва халқаро стандартлар асосида қандай тўғри акс эттириши, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари келтирилган. Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини юритиши бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тартибга солинади. Мамлакатимиз амалиётида кейинги пайтларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида молиявий ҳисоботларни тузиши долзарб масалага айланмоқда. Мазкур жараён акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари ва йирик солиқ тўловчилар амалиётига жорий этилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан ҳисобланган кредит ва қарз маблағларига оид ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда аниқлигини оширишга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларга киришиши, хорижий

инвестиция ва ҳамкорларни жалб қилишида ҳисоб ишларини МҲХС асосида ташкил этиши заруриятини келтириб чиқаради. Хўжалик юритувчи субъектларда олинган ва берилган кредит ҳамда қарзлар молиявий ҳисобот халқаро стандартларида қарзга оид молиявий дастаклар сифатида таснифланади, шу билан биргаликда, кредит ва қарз маблағларининг ҳисобини юритиши 9-МҲХС (IFRS) «Молиявий дастаклар» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тартибга солинади[4]. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини тўғри, аниқ юритиши муҳим ҳисобланади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши борасида амалга ошириладиган ишлар келтирилган. Кредит ва қарз маблағларни таърифи, унинг таснифий асосларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кредит ва қарз маблағларига оид бўлган ахборотларни шакллантириши борасида тавсиялар келтирилган.

Кредит ва қарз маблағларини корхона жалб қилгандаги асосий вазифа уни қандай қийматда акс эттириши, ушбу маблағларни жалб қилиш жараёнидаги барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит ва қарз маблағларини ҳақиқий баҳосини аниқлаш бўйича жараёнларни "FAZO-LUXE" МЧЖ мисолида кўриб чиқамиз.

Abstract. This article describes how to correctly reflect the economic relations related to credit and debt funds arising from the economic activity of economic entities in accounting based on national and international standards, their similarities and differences. Currently, the accounting of credit and debt funds in economic entities is regulated on the basis of national accounting standards. Recently, in the practice of our country, drawing up financial statements based on international financial reporting standards (IFRS) has become an urgent issue. This process is introduced in the practice of joint-stock companies, commercial banks and large taxpayers. International standards of financial reporting serve to increase the transparency and accuracy of information on credit and debt funds calculated from the main objects of accounting. Entering into economic relations with developed countries, foreign investment and attracting partners creates the need to organize accounting work on the basis of IFRS. Loans and debts received and given by business entities are classified as debt financial levers in the international standards of financial reporting, at the same time, the accounting of loans and debt funds is regulated based on the international standards of financial reporting entitled "Financial Levers" (IFRS-9) [4]. It is important to keep correct and accurate accounts of credit and debt funds in economic entities. Also, the article presents the work to be carried out in the Republic of Uzbekistan

regarding the transition to international standards of financial reporting. Proposals have been developed for the definition of credit and debt funds, and their classification based following international standards. In addition, the report on the financial situation contains recommendations on the formation of information related to credit and debt funds.

The main task when the company attracts credit and debt funds is to reflect value, taking into account all costs in the process of attracting these funds, we will consider the processes of determining the real value of credit and debt funds on the example of "FAZO-LUXE" LLC.

Калим сўзлар: кредит ва қарз маблағлари, қарз олувчи, қарз берувчи, самарали фоиз ставкаси.

Keywords: credit and debt funds, borrower, lender, effective interest rate.

Кириш. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини юритишда доимий равишда молиявий ресурсларга эҳтиёж юзага келади. Ҳозирда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж асосан банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бундан кўринадики, кредит ва қарз маблағлари ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, хорижий инвестициялар жалб қилишда ҳисобни юритишни уйғунлаштириш учун МҲХСга ўтиш давр талаби ҳисобланади. Республикамизда бу боради кенг иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори бу

боради ишларни жадаллаштиришга кенг йўл очиб берди[1]. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиши маълумотлар очиқлигини ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Материал ва метод. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикаимиз иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига D.Hendrix, A.C.Выскребенцева, И.В.Андрющенко, A.C.Тепляковалар каби таниқли хорижий олимларни киритишимиз мумкин.

Масалан, A.C.Теплякованинг фикрича: “Қарз маблағларини жалб қилишга зарурият корхонанинг энг актив ликвид активларининг вақтинча танқислиги, хомашё, материаллар, сотиш учун товарлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларини сотиб олиш сабабли пайдо бўлади” [6].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Э.А.Акрамов, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, М.Қ.Пардаев, Ш.З.Абдуллаева, М.Ю.Рахимов, Б.Н.Мўйдинов, А.Ж.Тўйчиев, С.К.Махмудов, А.Н.Ғулмуҳажев, Н.Н.Мавлоновлар томонидан корхоналарнинг кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлилининг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммоларининг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Иқтисодчи олим А.Тўйчиев: “Мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш

ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар” деб таъриф берган[5].

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кредит ва қарз мажбуриятларининг моҳиятини очиб беришга тегишли кўплаб қарашлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”ида мажбуриятга қуйидагича таъриф берилган: “Мажбуриятлар — шахсинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракат амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқалар ёхуд муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир” [2].

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан чоп этилган “Иқтисодий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати” да кредит сўзига қуйидагича таъриф берилган: “Кредит — қайтариб бериш шarti билан, кўп ҳолда қарздор қарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлайдиган, кредитловчи томонидан қарздорга тақдим этиладиган пул ёки товар шаклидаги қарз”.

Тадқиқот ишини ташкил қилиш ва бажариш жараёнида бухгалтерия ҳисоби усуллари асосида экспертлар баҳоси, иқтисодий таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилади.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини юритиш бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тартибга солинади. Ривожланган



мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларга киришиш, хорижий инвестиция ва ҳамкорларни жалб қилишда ҳисоб ишларини МХХС асосида ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Хўжалик юритувчи субъектларда олинган ва берилган кредит ҳамда қарзлар молиявий ҳисобот халқаро стандартларида қарзга оид молиявий дастаклар сифатида таснифланади ҳамда кредит ва қарз маблағларининг ҳисобини юритиш 9-МХХС (IFRS) "Молиявий дастаклар" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тартибга солинади[4]. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини тўғри ва аниқ юритиш муҳим ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти(21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" асосида қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар(6800) ва узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар(7800)да юритилади. Корхонада Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олинган турли қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6810-"Қисқа муддатли банк кредитлари", 6820-"Қисқа муддатли қарзлар", 6830-"Тўланадиган облигациялар", 6840-"Тўланадиган векселлар" счётларида амалга оширилади. Узоқ муддатли қисми(12 ойдан узоқ муддат) эса 7810-"Узоқ муддатли банк кредитлари", 7820-"Узоқ муддатли қарзлар", 7830-"Тўланадиган облигациялар", 7840-"Тўланадиган

векселлар" счётларида юритилади. Хўжалик юритувчи субъектларда кредит ва қарз маблағлари ҳисобини халқаро ёки миллий стандартларда юритишдан асосий мақсад кредит ва қарз маблағларидан самарали фойдаланишдир. Кредит ва қарз маблағларини бухгалтерия ҳисобида акс этиришда қарз берувчи ва қарз олувчи мақсади фарқланади.

Қарз берувчининг мақсади – корхона ихтиёрида мавжуд бўш айланма маблағларини бериб, бундан даромад (фоиз) олишдир. Бунда муайян вақт ўтиб қарзга берган маблағлари ҳам ўзига қайтади.

Қарз олувчининг мақсади – керак пайтда ўз фаолиятида фойдаланиш учун зарур айланма маблағларини қўшимча харажат (фоиз) билан жалб қилишдир. Қарз олувчи қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун қарз берувчига фоиз тўлайди. Ушбу тўланган фоиз қарз олувчи учун қўшимча харажат ҳисобланади. Бунда муайян вақт ўтиб қарз маблағларини қайтариб бериши керак бўлади. Қарз олувчи маблағларни жалб қилишнинг асосий шарти молиявий мажбуриятни тан олишидир.

Ушбу ҳолатни қарз берувчи "FAZO-LUXE" МЧЖ ва қарз олувчи "ZUMAPHARM" МЧЖ ўртасида имзоланган қарз шартномаси мисолида кўриб чиқамиз.

1. Қарз берувчи корхона йиллик 10% тўлаш шарти билан 4 150 000 000 сўм миқдорида бир йилга қарз берди. Бунда ушбу битимни тайёрлаш учун кредит хавфини баҳолаш ва бошқалар билан боғлиқ қўшимча харажат (15 000 000 сўм) қилди.

Қарз берувчида қарзнинг бошланғич баҳоси:

$$4\,150\,000\,000 + 15\,000\,000 = 4\,165\,000\,000 \text{ сўм.}$$

2. Қарз олувчи корхона йиллик 10% тўлаш шарти билан 4 150 000 000



сўм миқдориди бир йилга қарз олди. Бунда ушбу битимни тайёрлаш учун гаровни расмийлаштириш билан боғлиқ қўшимча харажат (15 000 000 сўм) қилди.

Қарз бўйича мажбуриятнинг бошланғич баҳоси:

$$4\,150\,000\,000 - 15\,000\,000 = 4\,135\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Юқоридаги қарз мажбуриятининг келгусидаги ҳолатини баҳолаймиз. Келгусида қарзлар амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланади. Дастлаб тан олинган қарз қиймати билан сўндириладиган сумма ўртасидаги фарқ амортизацияланади.

Қарз амал қиладиган муддат давомида ушбу суммани бир маромда сўндириш учун самарали фоиз ставкаси қўлланилади. Бу – қарз шартномаси амал қилган муддат давомида ҳисоб-китоб қилинган келгуси пуллик тўловларни ёки тушумларни дисконтловчи ставка ҳисобланади.

Самарали фоиз ставкасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида корхона шартномада қайд этилган барча шартларни (олдиндан ҳақ тўлаш, тўловни кечиктириш имконини бериш, бонуслар, битим бўйича харажатлар, чегирмалар, мукофотлар ва ҳ.к.) эътиборга олган ҳолда кутилаётган пул оқимларини баҳолаши керак.

Юқоридаги ҳолатда йил давомида 15 000 000 сўмлик сумма амортизацияланиши керак.

Қарз берувчи корхона учун ҳисоб-китоб:

Қарзнинг бошланғич қиймати – 4 150 000 000 сўм.

Олинадиган фоизлар шартнома бўйича қарз суммасидан ҳисобланади:

$$4\,150\,000\,000 \times 10\% = 415\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Қарз берувчининг фоизли даромади: $415\,000\,000 - 15\,000\,000 = 400\,000\,000$ сўм.

Самарали фоиз ставкаси: $400\,000\,000 : 4\,165\,000\,000 \times 100 = 9,6\%$.

Олинадиган фоизлар билан қарз берувчининг фоизли даромади ўртасидаги фарқ:

$$415\,000\,000 - 400\,000\,000 = 15\,000\,000 \text{ сўм} - \text{қарз берувчи битим бўйича сарфлаган қўшимча харажатлар.}$$

Қарз олувчи корхона учун ҳисоб-китоб:

Қарзнинг бошланғич қиймати – 4 135 000 000 сўм.

Тўланадиган фоизлар шартнома бўйича қарз суммасидан ҳисобланади:

$$4\,150\,000\,000 \times 10\% = 415\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Қарз олувчининг фоизли харажати: $4\,135\,000\,000 - 4\,150\,000\,000 - 415\,000\,000 = -430\,000\,000$ сўм.

Самарали фоиз ставкаси: $430\,000\,000 : 4\,135\,000\,000 \times 100 = 10,4\%$.

Тўланадиган фоизлар билан қарз олувчининг фоизли харажати ўртасидаги фарқ:

$$430\,000\,000 - 415\,000\,000 = 15\,000\,000 \text{ сўм} - \text{қарз олувчи битим бўйича сарфлаган қўшимча харажатлар.}$$

Кредит ва қарз маблағлари ҳисобини юритиш қарз берувчи ва қарз олувчи нуқтаи назаридан фарқланади.

1-жадвал

Қарз берувчида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш¹

| Операция | Сумма, минг сўмда | Дебет | Кредит |
|---|----------------------|-------|--|
| Қарз берилди | 4 150 000 | Қарз | Пул |
| Битим бўйича қўшимча харажатлар қилинди | 15 000 | Қарз | Пул, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар |
| Фоизли даромад ҳисобланди 4 165 000 x 9,6% | 399 840 | Қарз | Фоизли даромад |
| Шартнома бўйича фоизлар олинди 4 150 000 x 10% | 415 000 | Пул | Қарз |
| Қарз қайтарилди | 4 150 000 | Пул | Қарз |

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини қўллаётганда 21-сон БҲМСдаги одатдаги счётларни мослаштириб олишингиз мумкин.

Жадвалларда бир йилда ҳисобланган ва тўланган фоизларнинг суммалари акс этган. Амалиётда эса

фоизлар ҳар ой, ҳар ойдаги қарздан фойдаланилган календарь кунлари сонидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қарз тўланадиган ва қайтариладиган, шунингдек фоизлар тўланадиган саналар шартнома шартлари билан белгиланади.

2-жадвал

Қарз олувчида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш²

| Операция | Сумма, минг сўмда | Дебет | Кредит |
|---|----------------------|-----------------------|--|
| Қарз олинди | 4 150 000 | Пул | Қарз бўйича мажбурият |
| Битим бўйича қўшимча харажатлар қилинди | 15 000 | Қарз бўйича мажбурият | Пул, Етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар |
| Самарали фоиз ставкаси бўйича фоизлар ҳисобланди 4 135 000 x 10,4% | 430 040 | Фоизли харажат | Қарз бўйича мажбурият |
| Фоизлар тўланди | 415 000 | Қарз бўйича мажбурият | Пул |
| Қарз қайтарилди | 4 150 000 | Қарз бўйича мажбурият | Пул |

¹ Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

² Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Юқоридаги ҳолатларни молиявий ҳисоботда акс эттирилиши кўриб ўтамиз.

Қарз муддати ҳисобот йилига тўғри келганда фоизлар тўланган ҳолатда қарз ҳисобот санасидан кейин келувчи кунда қайтарилади.

Ҳисобот санасида балансда қуйидагилар акс эттирилади:

- қарз берувчида – шартномадаги суммасига тенг бўлган қарзнинг амортизацияланган қиймати:

$$4\,165\,000\,000 - 415\,000\,000 + 400\,000\,000 = 4\,150\,000\,000 \text{ сўм.}$$

- қарз олувчида – қарз мажбуриятининг амортизацияланган қиймати:

$$4\,135\,000\,000 - 415\,000\,000 + 430\,000\,000 = 4\,150\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилади:


- қарз берувчида – самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоизли даромад:

$$4\,165\,000\,000 \times 9,6\% = 399\,840\,000 \text{ сўм.}$$

- қарз олувчида – самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоизли харажат:

$$4\,135\,000\,000 \times 10,4\% = 430\,040\,000 \text{ сўм.}$$

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботлар тузишда ва ҳисоб юритишда қарз мажбуриятларининг вужудга келишининг ўзига хос жиҳатлари билан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларидан ажралиб туради. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мажбуриятларни қуйидаги турларга ажратиш олиш мумкин:



1-расм. Мажбуриятларнинг турлари бўйича гуруҳланиши[7]

Ўзбекистон Республикаси
Бухгалтерия ҳисоби миллий
стандартларида шартли мажбурият
тушунчаси йўқ. Шартли мажбурият
асосан халқаро амалиётда қўлланилади.
Бухгалтерия ҳисобининг халқаро
стандартининг 37-сон "Баҳоланган
мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва
шартли активлар" номли стандартида
қуйидагича таъриф берилган:

Шартли мажбурият - олдинги
ҳодисалардан юзага келиши мумкин
бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина
ташкilotнинг тўлиқ назорати остида
бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг
бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки
содир бўлмаслиги натижасида
тасдиқланадиган эҳтимолли
жавобгарликдир[3].

Шартли мажбуриятлар юзага
келиши мумкин бўлган ходиса ва ушбу
ходиса ўртача аниқлик даражаси билан
баҳолансагина, бухгалтерия ҳисобида акс
эйтирилади. Шартли мажбуриятга кенг
тарқалган мисолларга: махсулот учун
берилган кафолат, қарзлар бўйича
кафолатлар, тугатилган зарарлар,
тўланмаган даволар киради.

Мунозара. Кредит ва қарз
маблағлари жалб қилишнинг муҳим
шартларидан бири қандай қиймат бўйича
акс эйтиришдир. Дастлаб қарзни адолатли
қиймати бўйича, қилинган харажатларни
ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарур. Улар
ушбу битим билан бевосита боғлиқ бўлган
харажатлар бўлиши мумкин. Масалан,
қарз олувчининг молиявий аҳволини,
кафолатларини баҳолаш, қарзга оид
ҳужжатларни тайёрлаш ва уларга ишлов
бериш, гаровни ёки бошқа таъминотни
расмийлаштириш хизматлари ва ҳ.к. учун
тўланадиган харажатлар ҳисобланади.

Юқорида қарз берувчи "FAZO-
LUXE" МЧЖ ва қарз олувчи "ZUMA
PHARM" МЧЖ ўртасида имзоланган
1 йиллик қарз шартномасини кўриб
чиқдик.

Амалиётда бунданда мураккаброк
ҳолатлар учрайди, албатта, кўп
омилларни ҳисобга олиш керак бўлгани
сабабли самарали фоиз ставкасини
аниқлаш ҳам осон бўлмайди. Мураккаб
ҳолатларни аниқлаш учун амалиётда
кредит калькуляторлари мавжуд, улардан
фойдаланиш мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни
айтишимиз мумкинки, хўжалик юритувчи
субъектлар фаолияти давомида
мажбуриятлар тушунчаси молиявий
ҳисоботнинг халқаро стандартларида
қўлланилган мажбуриятлар тушунчаси
билан таққосланганда, бир қанча фарқлар
аниқланди. Молиявий ҳисоботнинг
халқаро стандартлари асосида
мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишда
бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ ошкор
қилиш, моддийлик, эҳтиёткорлик
тамойиллари асосида молиявий
ҳисоботларда акс эйтирилади.
Бухгалтерия ҳисоби миллий тизимларида
ҳам шундай тамойиллар асосида
мажбуриятлар ҳисобини юритишни,
бухгалтерия ҳисобининг халқаро
стандартининг 37-сон "Баҳоланган
мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва
шартли активлар" номли стандартини
"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун
доирасида бухгалтерия ҳисоби миллий
тизимига жорий этишни тавсия этамиз.
Молиявий ҳисоботнинг халқаро
стандартларига мос равишда ҳисоб
юритилса, хорижий инвесторларни зарур
ахборот муҳити билан таъминланади ва
халқаро молия бозорларига кириш
имкониятлари кенгайтирилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун” Концептуал асоси. 14.08.1998й <https://lex.uz/docs/828557>
3. 37-сонли “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” БХХС. https://minfin.gov.ru/common/upload/library/2017/01/main/MSFO_IAS_37.pdf
4. 9-сонли «Молиявий дастаклар» номли МХХС. https://minfin.gov.ru/common/upload/library/2013/06/prilozhenie_1_-_RU_IFRS_09_GVT_2011.pdf
5. А.Ж.Тўйчиев. “Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари”. Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Тошкент. 2011
6. Теплякова Анна Сергеевна. Организация бухгалтерского учета и аудита займов и кредитов. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Москва. 2005.
7. А.Козимжонов. Халқаро молиявий ҳисоботларда қарз мажбуриятлари вужудга келишининг ўзига хос жихатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнал. №5, 2021й